


ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ



№ 2 / 2021

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

Научно-практический журнал
2 / 2021

Журнал основан в 1999 г.

Редакционная коллегия:

Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.

акад. Арипова Т.У., д.м.н. Абдухакимов А.Н., проф. Арипов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., д.м.н. Ашурова Д.Т., проф. Аминов С.Д. (ответственный секретарь), проф. Гулямов Н. Г., проф. Исмаилов С.И., проф. Ибадова Г.А., проф. Искандарова Ш.Ф., проф. Каримов М.М., проф. Каримов М.Ш., проф. Комилов Х.М., проф. Косимов И.А. (зам. глав. редактора), проф. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т., проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х. (зам. глав. редактора), проф. Мусабаев Э.И., проф. Мухамедов И.М., проф. Таджиев Б.М., проф. Туйчиев Л.Н., д.м.н. Саидов С.А., проф. Иноятов А.Ш., проф. Назруллаев Н.У., проф. Наврузова Н.И., д.ф.н. Камбаров Х.Ж., б.ф.н. Кахоров Б.А., ф.ф.н. Жалилов Ф.С.

акад. РАН, Кукес В.Г. (Москва)
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)
акад. Тулегенова А.У. (Астана)
акад. Тураев А.С. (Тошкент)
акад. Раменская Г.В. (Москва)
акад. Иноятова Ф.И. (Ташкент)
проф. Мадреимов А.М. (Нукус)
проф. Сагдуллаев Ш.Ш. (Ташкент)
д.м.н. Расулов С.К. (Самарканд)

Редакционный совет:

проф. Ахмедова М.Д. (Ташкент)
проф. Аскарров Т.А. (Бухара)
проф. Облокулов А.Р. (Бухара)
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань)
проф. Гариб Ф.Ю. (Москва)
проф. Каримов Х.Я. (Тошкент)
проф. Умарова Ш.З. (Тошкент)
проф. Нуралиев Н.А. (Бухара)

Ташкент-2021

20. **МИРЗААХМЕДОВА К.Т., ЗИЯЕВА Ш.Т.** ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТОКСИК ГЕПАТИТДА ФИТИН КОМПЛЕКС ПРЕПАРАТИНИНГ ГЕПАТОТРОП ТАЪСИРИ..... 186
21. **НАРЗУЛЛАЕВА И.** ИЗУЧЕНИЕ АССОРТИМЕНТА АНТИ-КОАГУЛЯНТОВ, ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 192
22. **НАУБЕЕВ Т.Х., РАМАЗОНОВ Н.Ш., САСМАКОВ С.А., АЗИМОВА Ш.С.** АНТИБАКТЕРИАЛЬНАЯ И ПРОТИВОГРИБКОВАЯ АКТИВНОСТЬ ЦИКЛОАРТАНОВЫХ ГЛИКОЗИДОВ ИЗ РАСТЕНИЯ РОДА *ASTRAGALUS MUCIDUS*..... 197
23. **ОЛИМОВ Н.К., СИДАМЕТОВА З.Э., ХАБИБУЛЛАЕВА Ш.М., РАХИМОВА Д.О.** ОПРЕДЕЛЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ МИНЕРАЛЬНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ СЕДАТИВНОГО СИРОПА «ФЛЕГМЕН» 206
24. **ОЛИМОВ Х.Қ., УБАЙДУЛЛАЕВ Қ.А., ХОЛИҚОВА З.А., САИДВАЛИЕВ А.К.** СУД КИМЁ ТАҲЛИЛИДА АМЛОДИПИНИ ИҚ-СПЕКТРИ..... 214
25. **ОТАЖОНОВ И.О.** СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР ҲАЁТ СИФАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ..... 222
26. **ОЩЕПКОВА Ю.И., АМАНЛИКОВА Д.А., БАРАТОВ К.Р.** ВЛИЯНИЕ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ НА МАССУ ТЕЛА И ТЕМПЕРАТУРУ ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ ЯЗВЕННЫХ КОЛИТАХ..... 232
27. **РАСУЛОВ Ш.М.** ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРДА ЭХИНОКОККОЗНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ..... 239
28. **САТҚУЛОВА Д.И., МАХСУДОВА М.Х.** ТАЛАБАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ НАФАС ТИЗИМИНИНГ АЙРИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ..... 246
29. **САФАЕВА Ш.Т.** ПОКАЗАТЕЛИ БИЛИРУБИНОВОГО ОБМЕНА У КРЫС С ОСТРЫМ ТОКСИЧЕСКИМ ГЕПАТИТОМ ПОЛУЧАВЩИХ АСФЕРВОН В ПРОФИЛАКТИЧЕСКОМ РЕЖИМЕ..... 253
30. **СУЛТАНОВА Э.М., ОЩЕПКОВА Ю.И., САЛИХОВ Ш.И.** ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ СПОСОБА ПОЛУЧЕНИЯ НАГРУЖЕН-

The results of the study of the effect of peptide biologically active substances on the course of experimental ulcerative colitis in rats in comparison with the drug Sulfasalosin are presented. It was found that biologically active substances have a pronounced anti-ulcer, anti-inflammatory and antipyretic effect on the model of acute experimental colitis in rats, promote the restoration of body weight and temperature of animals, not inferior to the reference drug Sulfasalosin, which indicates the prospects of creating a composition based on biologically active substances for the treatment of inflammatory diseases of the large intestine, namely with ulcerative colitis.

УДК:616.995.121+616-036.2

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРДА
ЭХИНОКОККОЗНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ**

Расулов Шомурод Махмудович

Тошкент тиббиёт академияси,

rshm81epid@mail.ru

Калит сўзлар: эхинококкоз, эндемик, кўп йиллик таҳлил, Республикалар, Ўзбекистон, Арманистон, Азарбайжон, Қирғизистон, Қозокистон, Тожикистон, профилактика.

Инсоният XXI асрга қадам қўйган бир даврда, фан ва техникадаги эришилган ютуқларга қарамасдан, аҳоли орасида баъзи бир юқумли касалликлар кўплаб қайд қилинмоқда, баъзилари эса батамом тугатилган эмас. Эхинококкоз билан ер юзида 1 миллиондан ортиқ киши касалланган, бунда баъзи эндемик ва ноэндемик минтақаларда ушбу хасталик билан касалланиш кўрсаткичи 200 мартадан кўпроқ фарқ қилади. Сўнгги ўн йилликларда эхинококкоз билан касалланиш кўрсаткичларининг ўсиши ва касалликнинг географик чегарасининг кенгайиши кузатилмоқда [1,2,5,6].

Эхинококкоз айниқса қўйчилик билан шуғулланувчи қишлоқ минтақаларида кўп учрайди, у ҳудудларда итлар сўйилган қўйларнинг ички

органларини истеъмол қилиши бунга асосий сабаб ҳисобланади. Ит гўшти одам овқат рационининг бир қисмини ташкил этувчи ер шаридаги минтақаларда ушбу касаллик жуда кенг тарқалган [3,4].

Ўзбекистон Республикаси эхинококкоз бўйича эндемик ҳудудга киради. Расмий маълумотларга кўра, касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 000 аҳолига 6-9 кишини ташкил этади. Ўзбекистонда ҳар йили эхинококкоз билан боғлиқ 4000 га яқин жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади, консерватив даволанувчи беморларнинг сони эса маълум эмас. Касаллик республиканинг барча ҳудудларида рўйхатга олинган [1,3,4].


Тадқиқотнинг мақсади: Эхинококкоз касаллигининг Ўзбекистон Республикаси ва қўшни давлатлар аҳолиси орасида тарқалганлигини аниқлаш.

Тадқиқот натижалари: Касалликнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш учун эпидемиологик таҳлил усуллари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида 2005-2019 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллигининг таҳлили шуни кўрсатадики, касалланганлар сони 1556 нафардан 714 нафаргача бўлганлиги аниқланган.


Таҳлилнинг дастлабки йили - 2005 йилда республикамизда эхинококкоз билан касалланганлар 1380 нафарни ташкил этган. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида энг юқори кўрсаткич 2007 йилда кузатилган бўлиб, 1556 нафарни ташкил этган ва шу йилдан бошлаб касалланиш кўрсаткичида пасайиш тенденцияси кузатилган бўлсада, охириги йилларда бир хил тенденцияда сақланиб турибди, 2019 йилга келиб 714 нафарни ташкил этган.

Қўшни давлатлар аҳолиси орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлигини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 2005-2019 йиллар




Арманистон Республикаси аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 2013-2018 йиллар




Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Арманистон Республикасида ҳам охириги йилларда касалланганлар сони бир оз камайган.

Азәрбайжон Республикаси аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 2007-2017 йиллар




Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Азәрбайжон Республикасида касалланганлар сони барча таҳлил этилган йилларда диярли бир хил қайд этилган, фақат 2009 йил рўйхатга олинмаган, 2013 йил кам яъни 11 нафар касалланганлар аниқланган.

Қирғизистон Республикаси аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 2005-2018 йиллар




Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Қирғизистон Республикасида касалланганлар сони 2014 йилгача ортиб борган яъни 1081 нафарни ташкил этган. 2015 йилдан бошланиб камая бошлаган ва 2018 йилга келиб 906 нафар касалланганлар аниқланган.

Қозоқистон Республикаси аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 2013-2018 йиллар



Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Қозоқистон Республикасида ҳам охириги йилларда касалланганлар сони бир оз камайган.

Тожикистон Республикаси аҳоли орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 2013-2018 йиллар



Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Тожикистон Республикасида касалланганлар сони 2013 йилда 262 нафар бўлиб, колган йилларда кўп катта фарқ қилмаган холларда учраган.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда, кўшни давлатларда, эхинококкоз касаллиги тарқалган ва охириги йилларда турғун тенденцияда қайд этилиб турибди. Бу эхинококкоз касаллигига қарши профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва эпидемиологик ва эпизоотологик назоратини ташкил қилишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдиев Т.А., Сувонкулов У.Т., Коваленко Д.А., Абдиев Ф.Т., Арзиев Х.Ю. Распространенность гельминтозов в Узбекистане// проблемы биологии и медицины.-Самарканд 2014, №3 (79). С. 16-17.
2. Онищенко Г.Г. Заболеваемость паразитарными болезнями в Российской Федерации: научное издание // Эпидемиология и инфекционные болезни.-М., 2007.-С. 4-6.
3. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С. Абдукаххарова М.Ф. Эпидемиологическая характеристика и распространение эхинококкоза в Узбекистане Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси.- Тошкент.-2019. №5.-С. 156-158.
4. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С. Ўзбекистонда эхинококкознинг тарқалганлиги ва унинг профилактикасини такомиллаштириш. // Инфекция, иммунитет и фармакология.-Тошкент.-2019.-№5.-С. 192-198.
5. Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза. Москва. Изд. «Династия», 2016. 287с.
6. Sniedze L., Andrejs I., Aleksejs D., Ludmila V. Cystic echinococcosis: epidemiological and clinical aspects of latvian population and review of the literature. Eksperimentaēl'naia I Klinicheskaia Gastroenterologija = Experimental & Clinical Gastroenterology [Eksp Klin Gastroenterol] 2015 (7), pp. 24-30.

РЕЗЮМЕ

РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ ЭХИНОКОККОЗА В УЗБЕКИСТАНЕ И СОСЕДНИХ СТРАНАХ

Расулов Шомурод Махмудович

Ташкентская медицинская академия

rshm81epid@mail.ru

Ключевые слова: эхинококкоз, эндемический, многолетний анализ, Республики, Узбекистан, Армения, Азербайджан, Кыргызстан, Казахстан, Таджикистан, профилактика.

В статье анализируется распространённость эхинококкоза среди населения Республики Узбекистан и ближнего зарубежья.

SUMMARY

PREVALENCE OF ECHINOCOCCOSIS IN UZBEKISTAN AND NEIGHBORING COUNTRIES

Rasulov Shomurod Makhmudovich

Tashkent Medical Academy

rshm81epid@mail.ru

Key words: echinococcosis, endemic, long-term analysis, Republics, Uzbekistan, Armenia, Azerbaijan, Kyrgyzstan, Kazakhstan, Tajikistan, prevention.

The article analyzes the prevalence of echinococcosis among the population of the Republic of Uzbekistan and neighboring countries